

МУМТОЗ АДАБИЁТИМИЗДА ҚАСИДА ЖАНРИ

Жобир Нусратилло ўғли ИСМАТИЛЛОЕВ

магистр

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

ismatilloev.jobir@mail

Аннотация

Ушбу мақолада қасида жанрига хос бўлган бадиий хусусиятлар, ўзбек мумтоз адабиётида бу жанрнинг вужудга келиши ва ривожланиши ҳақида сўз боради. Шунингдек, ўзининг сермазмун қасидалари билан адабиётимизни бойитган Саккокий, Алишер Навоий, Мунис Хоразмий ва Огаҳий каби улуғ шоирларнинг қасидалари атрофлича таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: адабий муҳит, қасида, насиб, гуризгоҳ, мадх, “Кутатғу билиг”, Саккокий, “Ҳилолия”, Мунис Хоразмий, “Қасидаи насиҳат”, ижтимоий, фалсафий.

ЖАНР ПОЭЗИИ – КАСЫДА В УЗБЕКСКОЙ КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Джобир Нусратиллоевич ИСМАТИЛЛОЕВ

магистр

Университет узбекского

языка и литературы имени Алишера Навои

Карши, Узбекистан

ismatilloev.jobir@mail

Аннотация

Статья посвящена возникновению и развитию жанра в узбекской классической литературе. Также представлен подробный анализ стихов таких великих поэтов, как Сакоки, Алишер Навои, Мунис Хорезми и Агахи, которые обогатили нашу литературу своими неповторимыми произведениями.

Ключевые слова: литературная среда, касыда, гуризгох, мадх, насиб, «Кутатгу билиг», Саккоки, «Хилалия», Мунис Хорезми, «Касидаи насиҳат», социальная, философская.

Мумтоз шеърятимизнинг кенг тарқалган жанрларидан бири қасида XI-XII асрлардан бошлаб араб ва форс шеърятти таъсирида туркий адабиётимизга кириб келган. Қасида арабча “қасд” сўзидан олинган бўлиб,

луғавий маъноси қасд қилиш яъни бирор ишни бажаришга мақсад қилмоқ деган маъноларни англатади.

Қасида муҳим тарихий воқеалар ва машҳур шахслар ҳақидаги тантанали услубдаги асардир. Шу билан биргаликда классик адабиётимизда табиат лавҳаси, чолғу асбоблари ва бошқаларга бағишлаб ҳам қасидалар ёзилган [1;34].

Қасидалар ғазал ва маснавий каби қофияланиш тизимига эга бўлиб, ҳажми 15-20 байтдан бир неча юз байтгача бўлиши мумкин. Ижодкорнинг қасидада ифода этмоқчи бўлган мадҳу-саноси (агар қасида бирор бир шахс ёки маконга бағишланган бўлса), фалсафий мушоҳадалари, ижтимоий тузумга муносабати қанчалик кучли бўлса қасида ҳажми ҳам шунга мувофиқ кўламдор бўлади. Қасидалар мавзусига кўра қасидаи баҳория, қасидаи ҳазония, қасидаи ҳолия, қасидаи фаҳрия, қасидаи ишқия, қасидаи ҳамрия, қасидаи ҳажвия ва қасидаи маснуй сингари турларга бўлиниши адабиётларда қайд этилган. Қасидалар ҳам бошқа шеърӣй шакллар сингари ўз композицион тузулишига эга бўлиб, насиб (кириш), гуризгоҳ, мадҳ (асосий қисм) ва қасд каби қисмлардан ташкил топади. Агар қасидада юқорида зикр этилган қисмларнинг барчаси мавжуд бўлса тўлиқ қасида, айрим қисмлари бўлмаса мужаррид қасида саналади.

Форс-тожик адабиётида Рудакий, Носир Хусрав, Масъуд Саъд Салмон, Мужириддин Байлақоний, Абу Низом Фалакий Шервоний, Собир Термизий, Дақикий, Амирий, Хоқоний, Санойӣ, Унсурий, Шайх Саъдий, Амир Хусрав Дехлавий, ўзбек мумтоз адабиётида Саккокий, Лутфий, Сайфи Саройӣ, Амирий, Гадоӣ, Алишер Навоӣ, Мунис Хоразмий, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Комил Хоразмий, Фурқат каби сўз усталари қасидаларнинг гўзал намуналарини яратганлар.

Мумтоз шеърӣятимизда қасидаларнинг илк намуналари ХІ асрда яшаб ижод этган шоир ва давлат арбоби Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутатғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) фалсафий-таълимий асарида учрайди. “Қутатғу билиг”нинг 1971 йилда профессор Қаюм Каримов томонидан тайёрланган

нашри сўзбошисида олим асарнинг жанр хусусиятига тўхталиб қуйидаги фикрларни билдирган: “Сўнгги уч фасл (Йигитликка ачиниш ва қариллик, Замона бефойдалиги ва дўстлар жафоси, Юсуфнинг ўз узрини айтгани ва ўзига панд бериши) эса қасидалардан иборат” [9;17]

“Қутатғу билиг” пандномасига яқун ясаган “Китоб эгаси Юсуф Улуғ Ҳожибнинг ўзига панд бериши” номли қасида 44 байтдан иборат бўлиб, ғазал каби қофияланган. У асарнинг ўзига хос хулосаси десак хато бўлмайди. Зеро, қасида аввалида шоир ўзига панд-насиҳат айтиб билимнинг фойдаси нечоғлик юксак эканлигини уқтиради ва билим орқали Оллоҳни таниб, ўзлигини топиб, икки дунё саодатига эришишни таъкидлайди. Асарда шоирнинг фалсафий мушоҳадалари ифодаланиши билан биргаликда ўз ижодидан фахрланиш яъни қасидаи фахрия унсурлари ҳам кўзга ташланади. Буни қуйидаги мисраларда кўришимиз мумкин:

*Элик сундум ош мен билигни тилеб,
Созунинг созке тиздим шашурдим ура.
Кейик таги кўрдум бу туркча созунг,
Ани арқу буттум яқурдум ара.*

Тадбили:

*Мана мен билимни истаб, қўл чўздим,
Сўзни сўзга уладим, йигиб-териб ажратдим.*

Бу туркча сўзларни (ёввойи) тоғ кийиги каби билдим,

Уни оҳиста ушладим, алдаб яқинлаштирдим (яъни ўргатдим) [4;456].

Шоир қасиданинг сўнгги байтларида Яратганга муножот этиб, мўминларни ёрлақаб, раҳматлар ёғдиришини сўраб дуо қилади. Сарвари олам Муҳаммад алайиссалом ва чориёрларга саломлар йўллайди.

Мумтоз шеърятимизда қасидаларнинг гўзал намуналари Самарқандда темурийлар даврида ижод қилган шоир Саккокий томонидан яратилган. Бу ҳақида Н.Маллабоевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” китобида қуйидаги фикрларни кўриш мумкин: “Саккокий девонининг муҳим бир қисмини қасидалар ташкил этади. Қасида элементлари ўзбек адабиётида анча илгари

пайдо бўлган бўлса ҳам, лекин қасида махсус жанр сифатида ўзбек адабиётида 14-15 асрларда вужудга келди. Саккокий ўзбек қасидачилигининг асосчиларидан бири бўлди” [1;319]

Адабиётларда Саккокий девонидан ўрин олган қасидаларнинг бештаси Мирзо Улуғбекка, тўрттаси Хожа Тархонга, қолган иккитаси Халил Султон ва Шайх Муҳаммад Порсога бағишлангани қайд этилган. 1958 йилда мумтоз адабиётимиз билимдони Қ.Муниров томонидан нашрга тайёрланган Саккокийнинг “Танланган асарлар”ида 56 та ғазал ва 1 та Мирзо Улуғбекка бағишланган қасида келтирилган. Қасида 34 байтни ташкил этади. Мазмунига кўра қасида Мирзо Улуғбекнинг тахтга чиққан пайтида ёзилган бўлиши мумкин.

Жаҳондинг кетди ташивишу мабодойи амон келди,

Халойиқ, айш этинг бу кун сурури жовидон келди [6;69].

Қасида матъласидан кўриниб турибдики, “келмоқ” феъли радиф сўз бўлиб келган. Шу жиҳат юқоридаги хулосани беришга асос бўлади.

Миллий адабиётимизнинг куёши саналган Алишер Навоий ижодида ҳам қасида жанрининг гўзал намуналари мавжуд. Алишер Навоий 1469 йилда Ҳусайн Бойқаро тахтга ўтириши муносабати билан “Ҳилолия” қасидасини ёзган. Шоирнинг туркий тилда бу жанрда ёзилган ягона асари бўлмиш ушбу қасида “Хазойин ул маоний” куллиётининг учинчи девони “Бадое ул-васад”дан ўрин олган. “Қасида мавзусига кўра мадҳ, тузулиши жиҳатдан тўлиқ қасида саналади. Унда барча жанр унсурлари мавжуд. Ҳажми 91 байт. Ғазал каби қофияланган” [7;363]

Шоҳлигда гоят дарвешлигдин кўрмайин,

Бўрёйи фақрча заркаш сарири рифъатин.

Шоҳлар дарвешю, дарвешлар шоҳики, Ҳақ

Шоҳ қилди сувратин, дарвеш қилди сийратин [3;492]

Ҳазрат Навоийнинг форсий тилда битилган қасидалари сони ўн та бўлиб, улар “Девони Фоний”га киритилган. Қасидалар икки туркумда жамланиб, алоҳида номлар билан аталган. “Ситтайи зарурия” (“Олти

зарурат”) дея номланган биринчи туркумда 6 та қасида ўрин олган бўлиб, 1497 йилда тузилган. Ундаги қасидалар “Рух ул-қудс” (“Муқаддас рух”), “Айн ул-ҳаёт” (“Ҳаёт чашмаси”), “Тухват ул-афкор” (“Фикрлар совғаси”), “Қутб ул-қулуб” (“Қалблар қуввати”), “Минҳож ун-нажот” (“Нажот йўли”), “Насим ул-хулд” (“Жаннат шамоли”) каби номланган.

Иккинчи туркум “Фусули арбаа” (“Тўрт фасл”) дея номланиб, унда “Саратон” (“Ёз”), “Ҳазон” (“Куз”), “Баҳор” ва “Дай” (“Қиш”) қасидалари ўрин олган. Ушбу туркумлардаги қасидаларда Алишер Навоийнинг диний, ижтимоий ва фалсафий қарашлари ўз аксини топган. Жумладан, “Ситтайи зарурия” (“Олти зарурат”)даги илк қасида тавҳидга яъни Оллоҳ томонидан олам ва одамнинг яратилишини бадий тарзда ифодалашга бағишланган бўлса, тўртинчи қасида “Қутб ул-қулуб” (“Қалблар қуввати”) фалсафий мазмунда бўлиб, унда дунёнинг ўткинчилиги, фалакнинг золимлиги, фоний дунё ҳою-ҳаволарига алданиб қолмаслик, боқий олам саодатига эришиш тадоригини кўриш, Ҳақ таолонинг биру борлигига имон келтириш ва диннинг ҳар бир фарзини адо этиш зарурлиги хусусида сўз боради. “Фусули арбаа” (“Тўрт фасл”) таркибидаги “Саратон” қасидаси аввалида ёзнинг жазирамалиги гўзал ташбеҳлар билан таърифланган бўлса, асосий қисмда Ҳусайн Бойқаро мадҳ этилган.

3-ин гармии хуршеди бираст, он ки паноҳ сохт,

Зилла шарифи рояти Жамшеди замонро.

Султони Фалак қадри Ҳусайн – он шаҳи гози,

К-аз адл чу Фирндавси жинон сохт жаҳонро.

Таржимаси:

Қуёшнинг тафтидан паноҳ изловчи киши бўлса,

(уни) замона Жамшиди туғи соясининг шарофатидан топқусидир.

Олийқадр Султон Ҳусайн Шоҳи Ғозийдир,

Унинг адолатидан жаҳон жаннат боғларига айланди [4;490].

Хонликлар даври Хоразм адабий муҳитининг асосчиларидан бири бўлган шоир, тарихнавис, ҳаттот ва таржимон Мунис Хоразмий ҳам қасида

жанрида баракали ижод этган. 1980 йилда адабиётшунос олим Юнус Юсупов томонидан нашарга тайёпланган Мунис Хоразмий “Сайланма”сида тўртта: “Баҳор”, “Ийд”, “Эрур чарх бераҳм” ва “Чароғи нола” қасидалари матни қисқартиришлар билан берилган. “Эрур чарх бераҳм” қасидасида тақдир жафоси, замона нозослигига шоирнинг муносабати ифодаланган. Шеър матлаъси қуйидагича:

*Эрур чарх бир бераҳму қотил,
Ки осмиш қилич моҳи навдин ҳамоил [8;316].*

Моҳи нав яъни янги чиққан ой мумтоз шеърятимиз вакиллари ижодида асосан гўзал ташбеҳлар билан ижобий мазмунда қўлланилган. Хусусан, Мунис Хоразмий “Ийд” қасидасида янги ойнинг чиқишини ўзгача кўтаринки руҳда бир неча байтда чиройли ташбеҳлар билан ифодалайди:

*Ё малойик рўза аҳлидек ибодат қилгали,
Чекдилар гардун ўза меҳроби тоат суратин [8;314].*

Шеър мавзуси ва унда кўтарилган ғоя, шеър ёзилаётган пайтдаги шоирнинг кайфиятига кўра биринчи қасида матъласида моҳи нав салбий образ сифатида – чархнинг кишиларни хароб этгувчи воитаси, иккинчи қасидадан олинган байтда ижобий фаришталар ибодат қилиш учун самода чизган меҳроб суратига менгзалган. “Эрур чарх бераҳм” қасидасида шоир чархнинг жафоси ҳақидаги тавсифини давом эттирар экан, унинг халқни синдиришга тиришувчи эканлиги, доим шу юмуш билан шуғулланиши, айниқса, илму-маърифат аҳлига унинг жафоси ҳаддан ортиқ эканлигини таъкидлайди:

*На шеър итифое топадур, на шоир,
На фазл эътибор топадур, на фозил [8;315].*

Шоир қасидага кажрафдор фалақдан кўрган ситамларини шарҳ этиш учун юз йил қалам тортса ҳам озлик қилишини таъкидлаб хулосалайди.

Адабиётимизнинг яна бир забардаст вакили, Мунис Хоразмийнинг жаяни Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий ҳам фалсафий, маърифий қасидалар ёзган. Шоирнинг “Таъвиз ул-ошиқин” девонида 19 та қасида ўрин

олган. 1971-1980 йилларда Субутой Долимов маъул муҳаррирлигида chop этилган Огаҳийнинг 6 жилдлик мажмуасида фақатгина “Қасидаи насиҳат” қасидаси киритилган. Бу қасида Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг тахтга чиқиши муносабати билан ёзилган. Шеърнинг дастлабки байтларида шоир шаҳаншоҳлик муборак бўлсин, Тангри таоло мадад берсин дея тилак билдиради. Кейинги байтлардан эса раҳнамо устоз сифатида хонга насиҳатлар ўқиб, жаҳонда қанчадан-қанча шоҳлар ўтгани, уларнинг айримлари элни адолат билан бошқарган бўлса, айримларидан халққа жабру-ситама етгани, тожу, салтанат ўткинчи, шу боиз улус фаровонлиги учун хизмат қилиш кераклигини айтади. Шоҳликнинг бебақо эканлигини далиллаш учун Муҳаммад Амин Иноқ, Авазбой, Элгузархон, Муҳаммад Раҳимхон 1, Оллоқулихон, Муҳаммадаминхон каби ҳукмдорларнинг номларини бирма-бир келтириб, уларга ҳам тахту, салтанат вафо қилмаганини таъкидлайди.

*Ўзингни буюк чеккали чоғлағил,
Камар белга ҳиммат билан боғлағил.
Бу ишда ўзинг солма, мардона бўл,
Жалодат шиору далирона бўл.
Бу ишинг камолига толиб эсанг,
Онинг боиси экандур десанг [5;376].*

Қасиданинг юқорида келтирилган байтларидан сўнг давлатни бошқаришда хонга зарур бўлган ҳиммат, шижоат, адолат, сиёсат, ғайрат, саҳоват, иффат, футувват, шавкат, ҳамият каби сифатлар ва салтанатни пароканда этувчи ғафлат, шаркат, гуҳолат, касолат, жаҳл, мастлик, мулкдан беҳабарлик сингари иллатларни санаб ўтади.

Хулоса қилиб айтганда қасида жанри мумтоз шеърятимиз жанрлари орасида залворли, тантанавор, шунинг баробарида теран фалсафийлик йўғрилган жанридир. Унда ижодкор ўз қаҳрамонини мадҳ этиши, ўзи севган маконни васф этиши ёхуд замонаси учун долзарб бўлган ижтимоий-сиёсий масалаларга доир муносабатини, фалсафий мушоҳадаларини истаганича баён

этиши мумкин. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мумтоз адабиётимизнинг кўпчилик вакиллари ўз ижодий фаолиятлари давомида қасида жанрига мурожаат этиб, гўзал намуналарини яратганлар. Бу қасидаларнинг маълум бир қисмигина тадбил этилиб, адабий жамоатчилик ва халқимизга етказилган. Келгусида бу борада тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов О. Мумтоз шеърят жанрлари. – Наманган: Наманган, 2015. –78 б.
2. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 656 б.
3. Навоий, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 5 том. – Тошкент: Фан, 1990. – 526 б.
4. Навоий, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. Девони фоний. 20 том. – Тошкент: Фан, 1990. –516 б.
5. Огоҳий. Асарлар. 2-жилд. //Нашрга тайёрловчи С.Долимов. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 1972. – 420 б.
6. Саккокий. Танланган асарлар. //Нашрга тайёрловчи: Қ.Муниров. – Тошкент: Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1958. – 82 б.
7. Сирожиддинов Ш. ва бошқ. Навоийшунослик [матн] – Тошкент: Академнашр, 2020. – 576 б.
8. Мунис Хоразмий, Мунис Шермуҳаммад. Сайланма //Нашрга тайёрловчи Ю.Юсупов. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 1980 – 366 б.
9. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутатғу билиг. //Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи филол. фан. канд. Қ.Қаюмов. – Тошкент: Фан, 1971. – 964 б.